

Ризқ ўзи келади



12:00 / 21.12.2018 3569

Бир қария бор эди. Ўзи камбағал бўлса ҳам, саховатли эди, бирон нарса сўраб келган тиланчини қайтармас эди. Эгнига бир чопон ташлаб юарди. Бир куни қари совқотиб турган бир кишини учратиб қолиб, унга раҳми келиб, устидаги чопонини ечиб, унга бериб юборди. Уйига эса биргина изорида қайтди. Рамазон кунларининг бирида болалари билан ифторга дастурхон ёзди. Оғиз очиш учун азонни кутиб ўтиришган эди, бир тиланчи келиб қолди. Қария овқатни бериб юборса, оиласига ҳеч вақо қолмайди. У аёлига билдирмай, овқатнинг ҳаммасини ўша муҳтож кишига бериб юборди. Аёл буни кўриб, роса аччиқланди. Ярим соат ўтар-ўтмас эшик тақиллади. Очишса, бир киши хилма-хил емак, ширинлик ва мевалар солинган идиш кўтариб кирди. Ундан: “Нима гап?”деб сўрашган эди, шундай деди: “Бир бой одам бир неча амалдорларни чақирган экан, улар узр айтиб келишмади. Бой бундан аччиқланиб, “Энди бу овқатдан ҳеч ким емайди”, деб қасам ичди-да, ҳаммасини ўша саховатли камбағал қариянинг уйига олиб бор, деб буюрди”.

“Солиҳлар гулшани” китобидан